



IX-X асрлар, яъни Сомонийлар сулоласи хукмронлик килган давр Ўрта Осиё тарихида алоҳида аҳамиятга эга. Чунки бу даврда Бухоро, Самарканд ва бошқа шаҳарлар ислом дунёсининг энг йирик маданий ва илмий марказларига айланди, маҳаллий халқларнинг ислом давридаги давлатчилиги асослари яратилди. Лекин Сомонийлар сулоласининг келиб чиқиши ҳақидаги мавжуд маълумотлар жуда ҳам кам ва бир-бирига зид. Шу сабаб, мазкур сулоланинг асл келиб чиқиши ҳали ҳам аниқланмаган.

VIII асрнинг биринчи чорагида сиёсий майдонда пайдо бўлган сулола бобокалони Сомон-худот Балх шаҳридан Хуросон амири Асад ибн Абдуллох ал-Касрий (ёки ал-Кушайрий) хузурига келиб, Балхдаги душманларига қарши курашида ёрдам беришини сўрайди. Амирнинг ёрдами билан душманларини енгиб, мавқеини тиклаб олгач, Сомон-худот ислом динини қабул қилиб, ўглининг исмини Хуросон амири шарафига Асад деб қўяди. Кейинроқ у ўгли Асад билан бирга Хуросондаги Абу Муслим бошчилигидаги кўзғолонда иштирок этади. Асад эса халифа ал-Ма'муннинг Марвдаги саройида хизмат қилади. Сомон-худотнинг набиралари, Асаднинг ўғиллари Нух, Аҳмад, Яхё ва Илёс Ўрта Осиёда Рофиъ ибн ал-Лайс бошчилигида кўтарилган кўзғолон (190-195/806-810)ни бостиришда фаол қатнашиб, уларни таслим бўлишга кўндирадидлар. Ал-Ма'мун уларнинг бу хизматларини тақдирлаб, 204/819 йилда Марвдан Бағдодга кетиш оддидан уларни Мовароуннаҳр шаҳарларига: Нухни Самаркандга, Аҳмаднй Фарғонага, Яхёни Шош ва Уструшонага, Илёсни-эса Хиротга ҳоким этиб тайинлади.

Сомон-худот манбаларга қўра, Сомон номли қишлоқ асосчиси (бу қишлоқ Балх, Самарканд ёки Термиз вилоятларидан би-рида жойлашган) бўлган. Сомон-худот тугилиб-ўсган қишлоқ тахминан Балх вилоятида бўлган. Ривоятта қўра, Сомон исми саман сўзи билан боғлиқ бўлиб, «фаровонлик» маъносини билдирган. Пахлавий тилида *saman* сўзи «чегара», «минтақа», форс тилида эса «тартиб», «инпизом», «бойлик» маъноларига эга. Манбаларда *Sam(an)* атоқли оти ҳам қайд этилган. «Авесто» га қўра, *Sam(an)* ёки *Saman* (*Thamanois*) одамлари *Harahvaticē* номли вилоятда истиқомат қилганлар.

Сомон исмининг келиб чиқишини шаман сўзи билан боғлашга ҳам уринишлар бўлган. Берунийга қўра, Ўрта Осиёда аш-шаманийа номли дин вакиллари бўлиб, улар бутларга сизинганлару, лекин брахманларга нафрат билан қараганлар. Хуросон аҳли буддавий динидагиларни шаманийин ёки шаманш (шаман сўзининг қўплика шакли) деб атаганлар.

Ибн ан-Надим ҳам буддавий динидагиларни ас-саманийя деб атаган. Хинд мифологиясида samana сўзи «хукмдор» ва Йима худосининг исми сифатида ишлатилади, буддизмда эса Saman ёки Samana сўзи эътиқодда «тиришқокдик килганлар»га нисбатан ишлатилган бўлиб, улар буддавийлар тизимида иккинчи босқичдаги даража сохиблари ҳисобланган.

Пахлавий саман исми санскригча «гамхўрлик кўрсатувчи» маъносини ҳам билдиради. Зардуштарнинг диний адабиётида Saman исми Акаташ Акоман, Арастай, Варан, Нанхаис, Сабук, Тауреч, Хион ва Зареч сингари иблислар ва салбий шахслар каторида кайд этилган. Зардуштар тушунчасида «иблис» сифатида буддавий худолар ва кохинлар бўлиши мумкин эди. Ушбу исмларнинг айримларида туркча сўзлар ва этнонимларни кўриш мумкин: таш, тай, куман, авар, тур, хион.

Балх, Бактриянинг барча вилояти каби зартуш динининг асосчиси Заратуштра таълимоти илк бор тан олинган жой ҳисобланган. Бактрия худудларида топилган археологик материаллар ҳам буни тасдиқлаб турибди. Термиз шаҳридан 60 км шимолда жойлашган милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталарига мансуб Жаркўтон шаҳар харобаларида илк зартуш ибодатхонаси топилган бўлиб, унда одамлар куёшга сизинганлиги аниқланган. Олов ёндириш учун ишлатилган оташдонлар қадимги Бактриянинг ўша даврга мансуб яна бир катор шаҳарларида ҳам топилган. Ленин Ахамонийлар давлати парчалангандан кейин Балх шаҳри кўпроқ Хиндистонга боғланиб қолган. Кушонлар даврида эса Балх буддизмнинг энг йирик марказларидан бирига айланиб, Сосонийлар им-периясининг шарқий худудларига ҳам маданий таъсир ўткази бошлаган.

Балх вилоятидаги Бағлон шаҳри яқинида кушонлар хукмдори Канишка (милодий I—II асрлар) асос қилган Сурх Котал ибодатхонаси топилган. Маълумки, Канишка буддизмга эътиқод қилган ва бу динни Бактрия-Тохаристонда тарқатишга катта ҳисса қўшган. Канишка ибодатхонасида топилган оташдон одамлар бу ерда оловга сизинганлигини билдиради. Бундай оташдонлар буддавий ибодатхоналарида ҳам топилганлиги шундан далолат берадики, кушонлар оловга сизинишни буддавий маросимларига мослаштирганлар. Термизда-ги милодий I—II асрларга мансуб Кора-тепа ибодатхонасида «Олов — Будда» (Будда — Заратуштра), яъни оловга бур-қанган Будда тасвирлари топилган, бу суратлар кейинчалик Тохаристон ва Мар-казий Осиёда кенг тарқалган. Кушон хукмдорлари Канишка ва Хувишка чи-қарган тангаларда Фарро исми тўрт қўлли худонинг сурати туширилган бўлиб, унинг исми (фарро) — «олов» демакдир. Оташдонлар Шарқий Туркистоннинг буддавий ибодатхоналаридаги деворий суратларда ҳам тасвирланган. Айрим диний маросимларда олов ёқиш одати кўпчилик динларга хос бўлган, шунинг учун буддавий суратларда оташдон тасвирининг туширилганлиги ажабланарли ҳол эмас.

Фикримизча, Балх яқинидаги Навбахор ибодатхонаси тарихнинг турли давларида ҳар хил диний жамоалар, жумладан, зартушлар, маздавийлар ва монийлар учун саждагоҳ бўлиб хизмат қилиб келган. Лекин Кушонлар давридан бошлаб Балхда асосан буддавий дин хукмронлик қилган. Хитой зиёратчиси Сюань Цзан (630 йил) Балхнинг энг катта ибодатхонасини «янги сангҳарама», яъни буддавий ибодатхона деб кайд этади. Араб ва форс тилидаги манбалар ва археологик топилмалар ҳам буни тасдиқлайди. Айрим маълумотлар шундан далолат берадики, Сомонийлар ўз аждодларининг ўтмишда буддавий динига эътиқод қилганларини доимо ёдда сақлаб юрганлар ва буддизмнинг

айрим жихатларига мойиллик биддирганлар.

Сомонийлар 300-351/912-962 йилларда Кобул ва Газнада зарб этган кумуш дирхамларда бука ва чавандоз (Ау), ва Sri khudavayaka (худоси) деб ўкилувчи хиндча ёзувлар (Ку) мавжуд. Шу тангаларнинг бошка бир турларида бука, ўтирган холдаги Sri Khudavayaka худоси (Ав) ва чавандоз суратлари (RV) бор. Сомоний ҳоким Билга-тегин 320-326/932-938 йилларда Тохаристоннинг шимоли-шаркидаги Бурж Кишм номли зарбхонада чиқарган дирхамларда ўгирган холдаги Билга-тегин, Сайф ад-Даула Махмуд Газнавий 385/995-96 йилда Андаробда зарб этган дирхамларида эса ўгирган холдаги Нух ибн Мансурнинг суратлари тасвирланган. Буканинг расми ва ўгирган холда тасвирланган худо ёки хукмдорнинг сурати факат буддавий анъанасига хос.

Самарқанддаги Ўзбекистон ФА Археология институтида Мансур ибн Нух ва унинг ўгли Ахмад ибн Мансурнинг исмлари зикр этилган 359/969-70 йилда Фарғонада Сомонийларнинг ноиби Килич ал-Ҳожиб Ахмад ибн 'Али томонидан зарб этилган мис танга (фалс ёки фулус) сакланади. Мазкур танганинг олд томонида куёш рамзини белгиловчи анъанавий буддавий мандаланинг сурати туширилган бўлиб, у ўрта аерларда Хитой, Тибет, Марказий Осиё ва Шарқий Туркистонда кенг тарқалган буддизмнинг Махаяна, Вайраяна ва Тантризм каби шимолий мактабларининг таълимотларида қабул қилинган. Таркибида 8 япрокли гул расми туширилган мандала Будданинг тимсоли ҳам бўлган ва VIII-IX асрларда кенг тарқалган Тантризм буддавий таълимотида муҳим роль ўйнаган.

Худди шундай мандалани Тошкентдаги Санъат Галереясидаги Ўзбекистон Миллий банкининг нумизматика коллекциясида сакланаётган Қорахонийларга мансуб айрим тангаларда ҳам кўриш мумкин.

Сомонийларнинг буддизм билан алоқаларига ишора қилувчи далиллардан яна бири, Бухородаги Сомонийлар макбарасининг деворларига туширилган рамзлардир. Бу рамзлар мураккаб геометрик композициядан иборат бўлиб, бир-бирининг ичидаги квадрат шакллар ва уларнинг ўртасида доира шаклдан ташкил топган. Худди шундай рамзларни илк ўрта асрларда Шарқий Туркистоннинг энг йирик буддавий марказларидан бири бўлган Дунь Хуан юр мажмуасининг буддавий ривоятларнинг деворий суратлардаги тасвирларида ҳам кўриш мумкин.

Мансур ибн Нухнинг ўгли ва меросхўри бўлган охириги Сомоний амирларидан бири Нух ибн Мансур ар-Рида (365-387/976-997 йилларда хукм сурган) даврида машхур давлат арбоби 'Амид ад-Давла Фо'ик ал-Хосса 368/ 978-79 йилда Балхда зарб эттирган мис фулусларнинг олд томонида араб ёзувлари билан бирга иккита учбурчакдан ясалган 6 киррали юлдуз (гексаграмма) тасвирланган. Ўша йилда Балхда зарб этилган бошка бир фулусда эса чизик-лардан ясалган 5 киррали юлдуз (пентаграмма) тасвирланган. Гексаграмма тасвири 393/1002-03 йилда Ироқда қорахоний хукмдор Абу Саъид Бакр ибн ал-Ҳасан (394-400/1004-1009 йилларда хукм сурган) ва Қутб ал-Хон ал-'Одил номидан зарб этилган мис фулусларда ҳам мавжуд.

Сомонийларнинг тангаларида бундай буддавий рамзларнинг пайдо бўлиши уларнинг эроний Бувайхийлар сулоласининг ҳаракатларига жавобан қилинган тадбир бўлиши мумкин. Чунки Бувайхийлар 334/945 йилда Бағдодни эгаллаб, ўзларини Сосоний шаханшоҳларнинг авлодлари деб эълон қилдилар ва исломгача бўлган айрим маданий ва диний қадриятларни тиклай бошладилар.

Оксфорд университетининг нумизматика коллекциясида 358/968-69 йилда Мансур I ибн Нух (350-365/961-976 йилларда хукм сурган) зарб этган кумуш медальон сакланади.

Унинг олд томонида ўнг тарафга караган хукмдорнинг сурати, унинг икки томонида эса пахлавий ёзувлар туширилган. Ўнг томондаги ёзув MLK"n MLK, яъни «подшоҳларнинг подшоҳи» (ёки шаханшоҳ), чап томондаги ёзув эса GDH 'pzwł, яъни «Галаба, ерлар кўшиб олинишида», деб ўкила-ди. Медальоннинг орка томонида одатда-ги исломий калималар (La ilaha illa-Allah wahdahu wa ka sharika lahu Muhammadun Rasul Allah)дан кейин арабчада ал-Малик Мансур ибн Нух сўзлари ёзилган. Теградаги арабча ёзувларда унинг каерда ва қачон зарб этилганлиги қайд этилган («... бу дирхам Бухорода 358 йилда зарб этилди...»). Медальонда тасвирланган хукмдорнинг сурати VII-VIII асрларда Тохаристон йабгулари томонидан зарб этилган тангалардаги хукмдорларнинг суратларига ўхшаб кетади.

Юкорида келтирилган маълумотлар шундан далолат берадики, «сомон» сўзи дастлаб «буддавий» маъносини билдирган ёки буддавий тизимида юкори даражага эга бўлган шахс (роҳиб)га нисбатан ишлатилган. Демак, Сомон-худотнинг исми «буддавий хукмдор» деган маънони билдирган. Шундай қилиб, Сомонийлар сулоласининг асосчиси Сомон-худот ислом динини қабул қилгунига қадар, манбаларда кўрсатилганидек, зардуш динига эмас, буддавий динига эътикод қилган. Бу эса унинг аждодлари яшаган Балх ва унинг атрофларида исломгача бўлган даврда айнан буддавий дани хукмрон бўлганлигига мос келади. Сомонийлар ўз аждодларининг буддавий динига эътикод қилганларини доим хотираларида сақлаб юрганлар ва зарб эттирган тангаларида буддавий худодларнинг суратлари ва айрим буддавий рамзларни тасвирлаганлар. Тохаристон йабгуларидан бирининг сурати туширилган медальондаги тўртбурчак шакл ҳам буни тасдиқлайди.

Шамсиддин КАМОЛИДДИН